Келажакка юз тутган шаҳар

# 1997 ЙИЛ ИНШООТЛАРИ

**«Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси раиси, шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Тоҳир ЗОКИРОВ билан суҳбат.**

***— Бугунги кунда мамлакатимиз пойтахти Тошкент катта қурилиш майдонини эслатади. Мустақиллигимиз шарофати туфайли бу ерда сўнгги йилларда қурилишлар сони тобора ортиб бормоқда. Иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётимиз порлоқ истиқболга юз тутаётганини ҳар биримиз ўз кўзимиз билан кўриб, юракдан ҳис этиб турамиз. Шаҳримиз чет элликлар нигоҳида ёшариб, улар диққат-эътиборини ўзига кўпроқ тортаётган экан, албатта у ҳар томонлама шаҳарсозликнинг барча юксак талабларига ҳам тўла жавоб бера олиши керак. Шунинг учун ҳам барча жойлардаги ҳаётий ўзгаришлар асосини қурилишлар ташкил этаётгани ҳам бежиз эмас...***

Ҳа, шаҳримиз қадам-бақадам янги қиёфа касб этмоқда. У кенгайиб, кун сайин обод ва кўркамлашиб бораяпти. Қурилишлар архитектураси ранг-баранг тус олиб, турар жой даҳаларига файз ва тароват бағишламоқда. Табиийки, шу ўринда «Хўш, Тошкентнинг бундан кейинги қиёфаси қандай бўлади? Шаҳримизнинг бўлажак капитал қурилиш режаларидан қандай иншоотлар ўрин олган?» деган саволлар туғилади. Бу тушунарли, албатта. Чунки шаҳримизда бугунги кунга келиб, мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. Ёшарган Эски шаҳар, Қоратош даҳаси... Бундай янгилик ва ўзгаришлар кўп, жудаям кўп. Муҳими, 1996 йилни жамоамиз ўйлаган, режалаштирган барча юмушларини кўнгилдагидек ниҳоясига етказди. Катта ишлар сафига Темурийлар тарихи давлат музейи, «Миробод», «Бектемир», «Паркент» деҳқон бозорлари, Марказий банк, «Асакабанк» биноси, «Олимпия шон-шуҳрати» музейи, Хадра майдонидаги теннис корти, Шимолий вокзал яқинидаги Тошкент гербини айтишимиз мумкин. Шулар қаторида «Пахтакор» стадиони, «Ди-



намо» теннис корти (350 ўринга) кенгайди. «Тошкент» курантини ҳам қайтадан таъмирладик. Албатта маҳаллалардаги қадриятларни, меҳр-оқибат, қолаверса, шарқона анъаналаримизни тиклаш мақсадида Шайхонтоҳурда «Туркқўрғон» маҳалла маркази, Сергели, Тахтапул, Қоратош, Сағбон, Ипакчилик институти ёнида рисоладагидек гузар, чойхона-гузарлар қуриб, фойдаланишга топширдик. «Олой», «Қўйлиқ» деҳқон бозорларида, Сағбон кўчаси ва «Ғалабанинг 40 йиллиги» даҳасида эса замонавий кичик новвойхоналар бунёд этдик. Соғлом авлодга соғлом муҳит керак. Бу борада Бехтерев (Миробод туманида) кўчасидаги 320 ўринли болалар боғчаси қурилиши айни муддао бўлди. Жарариқда 1266 ўринли, Ангрен кўчасида 510 ўринли (112-мактабга қўшимча равишда), Волгоград кўчасида 1251 ўринли замонавий мактаблар ўқувчиларга муносиб совға бўлди. Биз қурган Юнусободдаги юқумли касалликлар касалхонаси ҳам ўтган йили фойдаланишга топширилди. Ҳамид Олимжон майдонининг рўпарасида, кўприкнинг у томонида хорижлик тадбиркорлар учун мўлжалланган кўркам ва ойнавандли, ўта замонавий идоралар мажмуаси, Ирригатор ва Тахтапул даҳасидаги ажойиб дўконлар ҳам шулар жумласидандир.

**— Тоҳир Обидович, янги оилаларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида нима ишлар қилинди?**

— 1995 йилда жами 232600 квадрат метр майдонда уй-жой қурилган эди. 1996 йилги кўрсаткич 420 минг квадрат метрга яқинни ташкил этди. Яқинда Сергели — 8 мавзесида 14 қаватли уй топширилиш арафасида турибди. Уни «Сифат» акционерлик жамияти қурган. Жами 112 хонадонли бўлиб, умумий майдони 6771 квадрат метрни қамраб олган. Янги йил арафасида яна 68913 квадрат метр, яъни 820 хонадонни янги оилаларга туҳфа қилдик.

**— Энди янги — 1997 йили фойдаланишга топширилиши мўлжалланаётган иншоотлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— 1997 йил — Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Унинг жуда яхши йил бўлиши кутилмоқда. Биз ҳам қалбимиз тўла фахр ва ифтихор ила бу йили тугалланиши режалаштирилган иншоотларимизни фойдаланишга топширамиз.

1997 йилда 420 минг квадрат метр уй-жой, шу жумладан аҳоли маблағи ҳисобидан 150 минг квадрат метр уй-жой қуриб битказиш мўлжалланган.

Маҳаллий кенгашлар маблағ ажратишнинг барча манбаалари ҳисобидан 216,8 минг квадрат метр уй-жойни қуриб битказадилар.

Шаҳар корхоналари ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан жаъми 49,4 минг квадрат метр саҳнли 17 та уй фойдаланишга топширилади.

1997 йилда хусусий уй-жой қурилиши учун 1 500 гектарга яқин ер участкаси ажратиш мўлжалланмоқда.

1997 йилда шаҳар йўловчи транспортининг янги йўналишлари — 19,7 километр узунликдаги троллейбус йўли қурилади, электр транспортининг кичик бекатлари, автомобиль бекатлари қурилади.

Шаҳар йўловчи транспортининг ягона тизимида транспортнинг тезюрар тури — метрополитенни ривожлантириш алоҳида ўрин эгаллайди. Метронинг



учинчи Юнусобод йўлини қуриш давом эттирилади. Бу мақсадлар учун 1997 йилда 1991 йилги нархларда 67,6 миллион сўм ёки шартнома нархларда 2 434 миллион сўм капитал маблағ сарфланади.

62/69, 91/99, 95, 37, 70-рақамли АТСларда ускуналарни монтаж қилиш тугалланади. Шу муносабат билан шаҳар телефон линияларининг сиғими 59 мингта кўпаяди.

1997 йилда Тошкент шаҳар Инвестиция Бош бошқармаси 400 миллион долларга яқин инвестицияларини жалб қилди. Бунинг ҳисобига Кўкчада тўқимачилик мажмуаси, Роҳат кўлида гольф-клуб, Алгоритм мавзесида савдо маркази, Чой қадоқлаш фабрикаси, 4 юлдузли меҳмонхона қурилади, «Тошкент», «Россия» меҳмонхоналари реконструкция қилинади. Бундан ташқари Халқаро савдо маркази, Кардиология маркази, Халқаро касалхона мажмуаси, маиший чиқитларни қайта ишлаш ва ахлатларни ёндириш заводларини, уй-жой ва хизмат кўрсатиш иншоотлари, супермаркет, Халқаро тоифадаги меҳмонхона қуриш, маҳсулотлар жойланадиган идишлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона барпо этиш юзасидан етти мамлакат билан келишиб олинди.

Булардан ташқари «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациямиз тасаррруфида бўлган «Сифат», «Таъмирлашқурилиш», «71-Қурилиш бошқармаси» акционерлик жамиятлари, «Тошчетэлқурилиш», «Турон» фирмалари, 4-, 12-, 159-қурилиш трестлари, «Тошмуҳандисқурилиш», «Тошқурилишмеханизация», «Тошмахсусбўлимқурилиш», «Тоштрансмах-



сусқурилиш», «Моҳир—Бинокор» каби ташкилот ва қурилиш корхоналари 1997 йил учун ҳам залворли режалар олишган. Яна бир гапни алоҳида таъкидлашни истардим. Ишимиз кўлами кенгайганигами ёки хом ашёни имкон қадар етазганимиз учунми, ҳарқалай, қурувчи-бунёдкорлар сафи ҳам анча кенгайди. Қурувчиларимизнинг моддий талаб ва эҳтиёжларини ҳам имкон қадар қондираяпмиз.

Азим Тошкент шаҳрининг қўр тўкиб турган «Чорсу» меҳмонхонаси, Халқлар Дўстлиги, «Туркистон», «Наврўз» саройлари, Миллий банк, «Олой» деҳқон бозори ва бошқа бетакрор санъат намуналари бўлган ноёб иншоотлар, ҳар йили «Наврўз» ва Мустақиллик байрамларида тикланадиган байрамона мажмуа ва минбарларга ҳар гал кўз тушганида, бу турфа гўзаллик, бири-бирига монандлик, кўркамлик ва салобатдан қалбларимиз нурга тўлади. Шуларнинг барпо этилишида ҳиссамиз борлигидан севиниб: «Тошкент — сен менинг юрагимсан, сен менинг мустаҳкам қўрғонимсан. Сен учун ҳар қанча меҳнат қилсак, тер тўксак, шунча кам!» деб қўяман...

*Суҳбатдош Зоир ТУРСУНОВ.*




Ёрқин режалар

# ТАЖРИБА НУСХАСИ СИНОВДАН ЎТДИ

***Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли электроника институти олим ва муҳандислари ҳам янги 1997 йилда бир нечта ишланмаларни ҳаётга тадбиқ этиш устида ишламоқдалар.***

Улар асосан қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида фаолият юритмоқдалар. Шу кунларда институт муҳандислари кичик деҳқон, фермер хўжаликлари, новвойлар, марказдан узоқда жойлашган кичик қишлоқлар аҳолиси учун «УТК-ЗА-02» номли кичик ун тегирмони лойиҳасини ишлаб чиқиб, унинг тажриба нусхасини синовдан ўтказдилар.

Эътиборга лойиқ ери шундаки, бу кичик тегирмон борйўғи 3-4 квадрат метр жойни эгаллаб, соатига 60 килограмм буғдойни буюртмачининг хоҳишига қараб олий, биринчи нав унга айлантириб беради. Унинг содда ишлангани туфайли ишлаш жараёни осон, бошқариш ҳам қулай ҳамда таъмирланиши осон кечади. Янги кичик тегирмон шу йўналишдаги тегирмонларга нисбатан икки баробар арзон ва унинг конструкциясига буюртмачининг хоҳишига қараб айрим ўзгартиришлар ҳам киритиш мумкинлиги унинг муҳим ютуқларидандир.

Институт олимлари, муҳандислари томонидан шунингдек, кичик шакар заводи лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, унинг тажриба нусхасини тайёрлаш учун керакли материаллар — зангламайдиган пўлат, бутловчи материаллар етишмаётганлиги учун ушбу лойиҳани ҳам янги 1997 йилда тадбиқ этиш ҳаракатлари кетмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, республикамизда ҳозир бир нечта кичик шакар заводлари қурилган бўлса-да, уларда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни охирига етказилмаган. Электроника институти олимларининг шу соҳада орттирган билим ва тажрибаларини ана шу тўла ишга туширилмаган шакар заводларини такомиллаштириш мақсадларига сарфлаш мумкин. Бу эса ўз навбатида республикамизда шакар ишлаб чиқариш саноатини ташкил қилиш ишларини тезлаштириш ва олимларимизнинг янги ишланмаларини амалда жорий этишга имкон туғдиради.

Агарда бундай ҳамкорлик амалга оширилса, республикамизда кўп маблағ ва вақт сарфламасдан туриб шакар ишлаб чиқариш саноат базасини ўзимизда шакллантиришга эришиш мумкин. Бу эса республикамизда шакарга бўлган эҳтиёжни сезиларли даражада камайтиришга йўл очади.

*Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.*

Нон — ризқ-рўзимиз

# ЎЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАШ ИМКОНИ БОР



***Улуғ мутафаккир Демокрит «Одамларни жисмоний бақувватлик ҳам, пул ҳам эмас, ҳақгўйлик ва билимдонлик бахтиёр қилади» деб ёзган эди. Шу ўринда Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг мамлакат ва фуқаролар келажагига ғамхўрлиги, адолатпарварлиги каби хусусиятлари бизнинг авлод учун улкан сабоқ мактабидир.***

Бу буюк зотни биз асосан саркарда, давлат арбоби, бунёдкор сифатида яхши биламиз. Аммо тарихчи ва археолог олимларнинг таъкидлашича, Амир Темур Самарқанд нонининг донғи кетишида ҳам жуда катта ишлар қилган. Масалан, у давлатни бошқариш даврида ҳар йили Наврўз байрами шарафига узлуксиз равишда нонлар танлови ўтказиб турилган. Мусобақа ғолиблари сув, ер солиқларидан озод қилинган. Ҳаттоки ўша хонадоннинг йигитлари аскарликка ҳам олинмаган. Бу эса ҳозирги миллий новвойчилигимиз санъатини ривожлантиришга олиб келган.

Кундалик турмушимизда нон ва нон маҳсулотларининг тутган ўрни ўзгача. Чунки турли-туман ноз-неъматларни бир неча бор устустига истеъмол қилсак тезда кўнгилга уради. Аммо нондан ҳеч қачон безмайсиз. Фикримизча республика миқёсидаги барча новвойларнинг нонлари кўргазмаси ўтказилса Соҳибқирон бобомиз руҳи шодланарди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йилда чиқарган «Миллий нонларни кўпайтириш, кичик ҳажмдаги нонларга ўтиш, парҳез (тансиқ) нонларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш» бўйича чиқарган қарорининг амалдаги ижроси бўлур эди.

Ҳаммага маълумки, ҳозирда асосан «Дарницкий», «Жанубий» номли парҳез нонлар, оби нон, буғдой нон, «Янгилик» каби нонлар ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса қандли диабет, куйишдан шикастланиш, семириш, ўткир бод касалликлари, буйрак, юрак-қон томирлари тизими, гипертония, ошқозон-ичак касалликлари, гастрит, қабзият каби хасталиклар билан оғрийдиган беморлар учун чиқарилаётган нонларнинг ўз ўрни бор. Уларни тайёрлашнинг технологияси турличадир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли М. Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилиги институтининг машина ва механизмлар назарияси тажрибахонасида бир неча йиллардан буён озиқ-овқат саноати машиналарини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу ерда янги турдаги бипланетар узатмага асосланган хамир қориш машинаси яратилди. Унинг аввалгиларига нисбатан афзалликлари бор. Олдингилари, яъни «Стандарт», А2-ХТ2-Б 300, 200, 100 ёки 50 килограмм унни 15-20 дақиқада қоради. Уларда тайёрланган нонларни истеъмол қилганда баъзан нон ичида аралашмаган унлар чиқиб қолади. Бу ҳол ошқозон-ичак фаолиятини бузади. Янги машинада эса бу камчиликлар барҳам топган. Ҳозирда электр қувватига тежамкорлик авж олган бир пайтда янги машина бу қувватни икки карра кам сарфлайди. Бундан ташқари ясалишига қараб 340, 200, 100, 50 ёки 10 килограмм унни қоришга мўлжалланади. Бу унинг ихчамлигидир. Хамир қориш машиналари хориждан валютага ёки мол алмаштириш асосида келтирилар эди. Буниси эса ўзимизда ишлаб чиқарилади.

Замонавий фаннинг эътироф этишича, инсон барча аъзоларининг бир меъёрда ишлаши учун бир бўлак оқсилга бир бўлак ёғ ва тўрт бўлак углевод тўғри келар экан. Одам танаси 37 фоиз қувват, 29 фоиз оқсил, шу жумладан 19 фоиз аминокислоталар, 10 фоиз кальций, 65 фоиз углевод, 55 фоиз В1, 25 фоиз В2 дармондорилари, 80 фоиз фосфор, 45 фоиз темир моддасини нондан олади. Ҳозирда дўконларимизда сотилаётган нон маҳсулотларининг аксарияти хориждан келтирилган машиналарда тайёрланмоқда. Бу эса бир неча йилдан сўнг бизнинг чет эл технологиясига тобе бўлиб қолишимизга олиб келиши мумкин.

Ҳозирги кунда асосий вазифа янги барпо этилаётган ўз машина ва механизмларимизни чет эл бозорларига олиб чиқишдир. Республикамиз новвойлари олдида эса халқимизнинг ўзига хос ва иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш вазифаси турибди. Хорижнинг буханка тайёрлашга мўлжалланган жиҳозларида бунга эришиб бўлмайди. Чунки республикамиз далаларида етиштирилаётган буғдой, арпа ва бошқа дон маҳсулотлари таркибидаги оқсилнинг нисбатан кўплиги ва инсонга зарурий бошқа мураккаб бирикмаларнинг борлиги билан жаҳонда энг олдинги ўринларда туради.

Миллий нонлар жаҳон халқлари кўзгазмаларида юқори поғоналарга муносиб. Новвойчилигимизда ўз техник салоҳиятларимиз жалб қилинса нур устига нур бўлар эди. Жаҳон халқларига ўзимизнинг бўрсилдоқ, мазали, дармондориларга бой нонларимиз билан, уларни ишлаб чиқарадиган машина ва механизмлари билан кўрсатган бўлур эдик. Бу эзгу иш республикамизни яна бир карра дунёга танитади, халқимизнинг фаровонлигини оширади.

*Абдуназар НУРМАТОВ,*
*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Механика ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилиги институтининг илмий ходими.*

**Абдулла ОРИПОВ,**
Ўзбекистон халқ шоири

# ТИНЧ ЎТГАН ҲАР КУНИНГ, АЛБАТТА, БАЙРАМ



Мен азиз юртдошларимни кириб келган 1997 йил билан табриклаш бахтига муяссар бўлиб турибман. Бу кунларга соғ-омон етганимиз учун шукроналар айтсак арзийди. Мен бир гапни такрорлашдан чарчамас эдим: илойим кўз тегмасин, тинч ва осойишта мамлакатимизнинг келажак сари ташлаётган ҳар бир одими, ҳар бир куни йилга тенгдир. Агар шу хулосага дадил келсак, бир йил қанча фурсатга тенглигини ўйлаб кўраверинг. Албатта маълум қийинчиликлардан кўз юмаётганимиз йўқ. Дадил оёққа туриб келаётган Ўзбекистонимиз барчасини енгиб ўтади. Шу ўринда мустақил давлатимизнинг обрў-эътибори халқаро миқёсда жуда ҳам ўсиб кетганини эслаб ўтмоғимиз керак бўлади. Мен яқиндагина Женева шаҳрида ўтказилган жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти халқаро дипломатик конференциясининг 20 кун давом этган мажлисларида иштирок этиб қайтдим. 160 дан зиёд мамлакатлар қаторидан Ўзбекистон номи ёзилган ўринда Ватанимизнинг вакили сифатида иштирок этдим. Гап бу ерда албатта менинг ўзим ҳақимда эмас. Ана шундай дақиқаларда мустақил давлатинг учун қалбинг ифтихор билан тўлиб кетар экан! Менинг ўрнимга ҳар бир ватандошим ўзини қўйиб кўрса буни юракдан ҳис этади.

Инсон ҳаёти фақат байрамлардан иборат эмас. Лекин одамзод байрамларга интилиб яшамаса ҳам гуноҳ бўлади. Дарҳақиқат бу серғалва дунёда тинч ўтган ҳар бир кунни байрам десак ҳам бўлаверади.

1997 йилимиз ҳам барчамизга омонлик, тинчлик, қут-барака олиб келсин. Осойишталик юртимизга файзу баракот берсин. Шу ниятда ёзган шеъримни азиз оқшомхонлар билан баҳам кўрмоқчиман.

*Инсонга тириклик доим муаммо,*
*Унга ҳамроҳ эрур гоҳ шодлик, гоҳ ғам.*
*Эртанг не бўлишин билмасман аммо,*
*Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта,*
*байрам.*

*Ёрдан айри кечса — ҳар лаҳза абас,*
*Вафосиз дўстни ҳам дўстим дема, бас.*
*Кенг жаҳон сен учун бўлмасдан қафас,*
*Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта,*
*байрам.*

*Демагил, чопқирдир омадим маним,*
*Ҳеч қачон беланмас лойларга шаъним.*
*Устингдан ёзмасдан бир номард ғаним,*
*Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта,*
*байрам.*

*Оддий нарсаларни кўзга илмай гоҳ.*
*Олис юлдузлар деб чекамиз оҳ-воҳ.*
*Бошингни қотирмай ёнингдаги моҳ,*
*Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта,*
*байрам.*

*Оламда базму айш учрар аломат,*
*Беморга бормикин ундан ҳаловат.*
*Майлига ёвғон ич, лекин саломат,*
*Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта,*
*байрам.*

*Энг аввал тинч бўлсин кўксингда*
*виждон,*
*Тинч бўлсин элу юрт, Ватан жонажон.*
*Ғуборга чулғанмай шу еру осмон,*
*Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта,*
*байрам.*

*Яшашнинг шавқин сур, сира толмасдан,*
*Шеъринг ёз, пайсалга энди солмасдан.*
*Фақат қартайганда севиб қолмасдан,*
*Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта,*
*байрам.*



*Ҳар бир бажарилган ишнинг сифати уни амалга оширган ишчи ва хизматчининг малакаси, куюнчаклигига боғлиқ, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик жамиятига қарашли модалар ательеси ҳам Ўзбекистон қуролли кучлари, Ички ишлар ходимлари, темирйўлчилар ҳамда метрочилар учун чиройли ва бежирим либослар тикиб, мақтовга сазовор бўлаётган жамоалар қаторига киради.*
*СУРАТДА: тажрибали моделчи Наталья Богданова.*

*Усмон Усмонов олган сурат.*

Сарчашмалар

# КЎНГИЛ

***Саҳар билан туриб соғ-омон яна бир нурафшон тонгни кутиб олганим шукронасини айтиб, нонуштага ўтирган эдим, эшикдан қизим икки боласини эргаштириб кириб келди.***

— Келақол, она қизим, — қаршиладилар ойим, — кўнглимдан ўтиб турувдинг ҳозир.

Ялт этиб онамга қарадим: «Воажабо, кўнгил деганлари шунақа улуғми?»

Ҳаётдаги воқеаларни бирбир хотирлаб ўйлайман: «Воажабо, нима экан кўнгил ўзи?»

Кўнгил — само билан замин бирлашадиган жой дегим келади. Шу сабабдан доимо қариялар яхши одамларни «Аллоҳ кўнглингдан ярлақасин» деб дуо қилади.

Кўнгил — мангу шодлик ва мангу изтироб мулки. Шу сабаб у дийдордан тўлиқиб энтикади, айриликдан эса гирён бўлади.

Кўнгил — эзгулик булоғидир. Шу сабаб у мангу қайнайверса, барча ёмонликларни ўз қаърига кўмиб юборади.

Ва ниҳоят кўнгил — чақилмаган данакки, ундан ҳар сафар, қуёш нурини эмгач, соф туйғулар униб чиқади. Ва бу туйғулар қуёш нурларига қоришиб, олам узра сочилиб кетади.

Кўнгил — алоғи йўқ йўлдир. Ундан бошланган йўл фақат кўнгилга бориб туташади.

... Эрталаб отландиму, ҳеч эшикдан кўчага чиқиб кетолмайман. Ҳали уни, ҳали буни баҳона қилиб, уймаланавераман.

— Ҳа, болам, — дедилар ойим, — кетолмаяпсан. Сезиб турибман кўнглинг бўлмаяпти. Узоқдан йўл тортиб биров келяпти чоғи. Менинг ҳам кўнглимдан ўтяпти...

Сал фурсат ўтмай. «Бормисизлар, азизларим» деб худди Шарқ шамолидек тўс-тўполон билан профессор Малик Муродовнинг акаси, дилбар инсон Ваҳобжон Муродов кириб келди. Уйга таклиф этган эдим, кирмади. «Шу кетишда Белградга кетяпман. Бир ярим соатдан кейин самолёт учади. Яхшиям уйда экансиз» деб қолдилар. Шундоққина ҳовлида ўтириб суҳбатлашиб кетдик... Кўнгил яқинлиги эмасми бу!»

Олам қанчалар бепоён, ҳудудсиз бўлса ҳам унинг келиб туташадиган нуқтаси — кўнгил. Олам юрагига кирмаган одам бормикин. Энг гўзал туйғуларни кўнглидан ўтказмаган кимса йўқ. Сулув қизлар: «Келин бўлсам қайнонамга, қайнотамга мана бундай салом бераман, бундай чой узатаман» деб кўнгилга тугадилар. Энг яхши қўшиқ ҳам дастлаб кўнгилда туғилади.

Демак кўнгил экан маънавиятнинг, маърифатнинг, таъбир жоиз бўлса маданияту диёнатнинг асл сарчашмаси. Чини билан айтганда шу истиқлолимиз ҳам неча-неча аждодларимизнинг кўнглида гул очган. Кўнгилдан кўнгилга ўтиб бизгача етиб келди. Биз ундан баҳрамандлик бахтига муяссар бўлдик.

Кўнгил — руҳиятимиз булоғи. Бизнинг бутун вужудимиздаги кечинмаларимиз дастлаб кўнгилда унади. Сўнгра кўнглимизда, тилимизда зоҳир бўлади. Шу сабабли ҳам шоир Усмон Носир: «Юрак, сенсан менинг созим, тилимни найга жўр этдинг» деб нидо қилган. Шунинг учун ҳам Фитрат бир шеърида: «Дардли жониминг сен давосими? Мунгли кўнглимнинг подишосими? деб нола чеккан.

Хуллас, кўнгил торлари доимо жарангласин, узилмасин.

Кўнгил шукрона билан ободдир. Ўтган ҳар кунимизга шукрлар қилайлик. Истиқлол қуёшининг мунаввар нурлари кўнгилни нурафшон этсин доим.

Замондошим бўлган эй яхши инсон. Сени мен шу тонгда ўйладим. Борлигингдан беадад шодландим. Сен ҳам мени кўнглингдан ўтказиб қўй!

*Темур УБАЙДУЛЛО.*

